(1881, Кармана – 1944. 28-апрел, Кобул)
(1910-1920)

Мангитлардан бўлган Бухоро амири. Петербургдаги Николаев (пажлар) корпусида таълим олган (1893-96). 1898-йил Карши, валиахд сифатида Кармана бекликларига хоким бўлган. Отаси вафотидан сўнг 1910-йил 24-декабрда Бухоро тахтига ўтирган. Унинг даврида Бухоро амирлигининг Россияга карамлиги янада кучайди. Тараккийпарвар кучлар шунингдек, Ёш бухороликлар каттик таъкиб килинди. Биринчи Жахон уруши даврида Россия императори Николай ИИ уни генерал – лейтинант харбий унвони билан такдирлаган ва ўзининг генерал – адъютанти килиб тайинлаган (1915-йил декабр). Чунки у Россияга катта микдорда пул билан ёрдам берган эди. Бухорода 1917-йил апрел намойиши, хусусан, Колесов вокеаси (1918-йил март) дан кейин у амирлик худудида 3 минг кишини жадидликда айблаб, нохак катл эттирган.
1920-йил августда Бухоро боскини натижасида амирлик тузуми агдариб ташланди. Сентабр ойининг ўрталарида Олимхон Шаркий Бухорога бориб, Бухоро халкининг боскинчи кизил армияга карши олиб борган мустакиллик курашига рахбарлик килишга уринди. Олимхон Хисор вилоятини ўзига кароргох килиб, 6 ой давомида кизил аскарларга карши курашган. Хисорда янги хукумат ташкил килиб, бухорооликларнинг кизил аскарларга карши олиб бораётган жанг харакатларини мувоффакиятлаштиришга интилган. Олимхон Кўлоб, Хисор ва Душанба атрофида катта микдордаги кучларни бирлаштиришга муваффак бўлган. 1920-йил ноябр ойининг ўрталарида унинг кўшинлари Бойсун, Дарбанд, Шерабодни кизил аскарлардан озод килишди. Олимхон ихтиёрига Фаргонадан ёрдамга юборилган 4 минг йигит хам Шаркий Бухорога етиб келади.
1921-йил 8-январда Олимхон кўшининг микдори 25 минг кишига етган. Хисордан Кўлоб вилоятига келган Олимхон бутун кўшинларига Иброхимбекни олий- бош кўмондон (Ўринбосарлар: Шаркий Бухорода – Давлатманбек ва Гарбий Бухорода – мулла Абдулкаххор) килиб тайинлайди. Бирок, бир катор жангларда маглубиятга учрагач, Олимхон Амударёнинг Чубек кечувидан Афгонистонга ўтиб кетган (1921-йил 4-март). Олимхонни Кобулга Афгонистон амири Омонуллахон кабул килиб, доимий яшаши учун унга Калъаий Фотуда махсус кароргох ажратиб беради. У Кобулда яшаса хам Бухородаги озодлик харакатига гоявий жихатдан рахбарлик килишда давом этди, кўрбошлар ва уламоларга турли мактублар ва кимматбахо совгалар жўнатиб, уларни курашга илхомлантирган. Олимхон Кобулда ўзининг эсталикларини ёзиб тугаллайди. Умрининг охирида кўзи ожизланиб колади, огир дардга чалинади узок давом этган хасталиклардан сўнг у Калъаий Фотуда вафот этади. Кобул атрофидаги “Шахидони ислом” (ислом шахидлари) кабристонига дафн этилган.
Олимхоннинг хотиралари Парижда франсуз тилида (1929), кейинчалик Гарбда форс тилида, Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида (1991), Тожикистонда тожик тилида(1992) алохида китоб сифатида чоп килинган. Олимхон хикмронлиги даврида Бухорода “Олимхон мадрасаси” курилган, “Ситораи Мохи Хоса” саройини куриш якунланган.